

**ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Каримова Мохигул Абдухоликовна**

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини кайта тайёрлаш ва  
малакасини ошириш институти мустакил изланувчиси  
[mohigul.karimova@mail.ru](mailto:mohigul.karimova@mail.ru)

**Аннотация**

Халқ миллий ўйинларининг ижтимоий-педагогик хусусиятларини ўрганиш борасида кўзга кўринарли ишлар олиб борилмоқда. Бир қанча олимлар ўз тадқиқотларида халқ миллий ўйинларидан фойдаланиш ҳақида фикр юритганлар.

Мақолада ўзбек халқ миллий ўйинларини ўрганиш соҳасида олиб борилган тадқиқотлар, халқ миллий ўйинларининг ижтимоий-педагогик хусусиятлари ёритилган.

**Калит сўзлар.** жисмоний тайёргарлик, ақлий ривожланиш, интеллектуал ривожланиш, бола ҳуқуқлари, саломатлик, қобилият, мослашиш, оила, маҳалла, мактаб.

Ўсиб бораётган авлодни ақлий, жисмоний, интеллектуал жиҳатдан тарбиялаш масалаларига азал-азалдан катта эътибор бериб келинган. Янги Ўзбекистонда ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги, ақлий ва интеллектуал ривожланиш масалалари бола ҳуқуқлари, ўзига хос ривожланиш хусусиятлари ва салоҳиятларини ҳисобга олиш, таълим жараёнида барча турдаги ривожланиш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги, бола саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, унинг эҳтиёжлари, шу жумладан, унинг ҳаракатланиш эҳтиёжларини қондириш, боланинг ижодий қобилияtlарини қўллаб-куватлаш, ўйин орқали таълим бериш ва ривожлантириш, боланинг ривожланиши ва ижтимоий мослашиши учун қулай муҳит яратиш ҳамда бола учун хавфсиз муҳитни таъминлаш билан боғлиқ. Мактабгача таълим ташкилотларининг оила, маҳалла ва мактаб билан ҳамкорлиги кўплаб олимлар томонидан ўрганилган ва тадқиқотларда болаларнинг ҳаракат фаоллиги сустлиги аниқланган. Халқ миллий ўйинларининг ижтимоий-педагогик хусусиятларини ўрганиш борасида ҳам бир қанча олимлар тадқиқот олиб борганлар.

Инсоният пайдо бўлиши билан унинг тили, урф-одатлари, анъаналари, дини, маданияти, эзгуликни ифодаловчи ахлоқий фазилатлари вужудга кела бошлаган. Уларнинг мазмунида халқнинг ҳаёт тарзи, руҳияти, маънавияти, маданияти, турмуш тарзи, ўй-хаёллари акс этган. Миллий қадрият – миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Қадрият атамаси арабча “қадр” сўзидан олинган бўлиб, қимматли, фойдали деган маънони англатади. Қадрият – бу табиий ва ижтимоий ҳаётда намоён бўладиган шахсий ва ижтимоий эҳтиёжни қондиришга хизмат қиласидиган моддий-маданий, маънавий

омиллар йигиндисидир. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Юнакийнинг “Ҳиббат ул-хақойик” асарлари, Кайковуснинг “Қобуснома”, Бурхониддин Марғинонийнинг етти китобдан иборат “Ҳидоя”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Мұхсиний” номли одоб-ахлоқ меъёрларини батафсил ёритиб берган асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаган.

Б.Зиёмуҳаммадов ўзининг “Комилликка элтувчи китоб” асарида “Қадрият” сўзига куйидагича таъриф беради: “Кишини қуршаб турган чексиз кўп нарса ва ҳодисалар, шу жумладан, миллий маънавият ичидан ҳам, муайян шахс ёки ижтимоий гурӯҳ ё конкрет бир миллат ёхуд бутун инсоният учун алоҳида аҳамиятга, қадрга эга бўлганларини қадрият дейилади. “Моддий қадриятлар – кишилар моддий эҳтиёжларини қондириб, ўзига хос хусусияти ва шаклларига кўра одамларда алоҳида ҳис-туйғу уйғотувчи моддий нарсаларга айтилади. Уларга буюк иншоотлар, боғ ва хиёбонлар, антиқа уйрўзгор буюмлари, тарихий қимматга эга бўлган уй анжомлари, курол-яроғ, озиқ-овқат, шахсий буюмлар ва шунга ўхшаш нарсалар киради.

Ўзбек халқ миллий ўйинларини ўрганиш соҳасида муайян ютуқларни қўлга киритган олимлардан профессор Т.Усмонхўжаев асосан, диққатини болаларнинг ҳаракати ўйинларига қаратди, уларни тасниф қилди, тавсифлади. Унинг «болаларни ҳаракат фаолликлари билан боғлиқ тарзда жисмоний камолатга етказишининг илмий-педагогик асослари» деб номланган докторлик дессертациясида ўсиб келаётган ёш авлоднинг «Жисмоний камолати» тушунчасига оид Ўзбекистоннинг аниқ шароитларини ҳисобга олган ҳолда янги коцептуал ёндашувлар ишлаб чиқилган. Болалар ва ўсмирларнинг ҳаракат фаоллигини оширишга ёрдам берадиган омиллар: миллий ҳаракатли ўйинлар, миллий машқлар элементлари, беллашувлар ва спорт турлари, жисмоний тарбиянинг анъанавий воситаларидан фойдаланиш йўллари кўрсатилган.

Сўнгги йилларда профессор Ф.Н.Насриддинов бошчилигида бир гурӯҳ мутахасисликлар, ёш тадқиқотчилар миллий ўйинларни ўрганиш, уларни халқ ўртасида оммалаштириш мақсадида бир қатор илмий-амалий ишларни, нашрларни амалга оширишга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, «Ўзбекистонда жисмоний тарбия» ва бошқа муаллифларнинг илмий ишларида халқ миллий ўйинлари ҳақидаги қарашларни кўриш мумкин.

Бу соҳада профессор А.Қ.Атоевнинг илмий ишларини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Унинг халқ ўйинларидан мактабда, оиласда, дарсдан ташқарида, жамоат жойларида фойдаланиш ҳақидаги болаларни тарбиялашда чаққонлик, эпчиллик даркор, куч-қувват каби хусусиятлари тўғрисидаги тадқиқотлари қизиқиши уйғотади.

Булардан ташқари ҳар йили ўтказилаётган илмий-амалий анжуманлар ва шу муносабат билан нашр этилаётган тўпламларда ҳам халқ миллий ўйинларига эътибор кучайгани, уларни ўрганиш, тўплаш борасида тадқиқотлар яратилмокда.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Абдумаликов Р. Абдуллаев А. Халқ миллий ўйинлари мазмунида маънавият масалалари. Т., 1995. 14 б.
2. Былеева Л., Яковлев В. Подвижные игры /учебник для физкультурных вузов. М., ФиС, 1965. 166 б.
3. Василков Г.А. Василков В.Г. От игры – к спорту. М., ФиС, 1985. 80 б.
4. Usubovich, O. O., & Ne'matillaevna, Z. D. (2022, April). INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANIB TALABALARING MUSTAQIL FIKRLASHLARINI SHAKLLANTIRISH. In E Conference Zone (pp. 101-105).
5. Отамирзаев, О. У., & Зокирова, Д. Н. (2018). Тажриба машғулотларини мустақил ўрганишга ундовчи таълим бериш орқали олиб бориш. Современное образование (Узбекистан), (3), 45-49.
6. Отамирзаев, О. У., & Зокирова, Д. Н. (2014). Мустақил фикрлашларни шакллантиришга йўналтирилган дарс ишланмаси.
7. Зокирова, Д. Н. (2021). Талабаларга Мустақил Ўрганишга Ундовчи Таълим Беришда Касбий Ва Умумтаълим Фанларининг Интеграцияси. Современное образование (Узбекистан), (6 (103)), 24-28.
8. Химматалиев, Д. О., & Зокирова, Д. Н. (2022). НАЗАРИЙ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ФАНИНИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАРКИБИ АСОСИДА РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Eurasian Journal of Academic Research, 2(3), 630-638.